

**Бухоро нефт ва газ саноати коллежида ва “ENTER ENGINEERING  
PTE LTD” ООО билан ҳамкорлик тўғрисида ўтказилган йиғилиш  
БАЁННОМАСИ**

16 март 2023 йил

Бухоро шаҳар

**Қатнашдилар:**

Коллеж директори С.Б.Усмонов, коллеж ўқув-тарбиявий ишлари бўйича директор ўринбосари А.Р.Ҳафизов, бўлим мудирлари: А.А. Набиев, А.А.Мамедовалар, “Ёшлар иттифоқи” бошланғич ташкилоти етакчиси Х.Б. Азимова, гуруҳ раҳбари, 97 нафар коллеж ўқувчилари

**Йиғилиш кун тартиби:**

- 1. Бухоро нефт ва газ саноати коллежи ҳамда “ENTER ENGINEERING PTE LTD” ООО ўртасидаги ҳамкорлик ишларини янада мустаҳкамлаш, корхонада коллеж битирувчиларининг ўз мутахассисликлари бўйича ишга жойлаштириш тўғрисида**

**ЭШИТИЛДИ:**

**Сўзга чиқди:** С.Б. Усмонов - коллеж директори йиғилиш кун тартибидаги масала юзасидан нефть ва газ саноатини юқори малакали кадрлар билан таъминлаш, мазкур соҳада таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасида ўзаро интеграцияни йўлга қўйиш, кадрларни ўқитишнинг усул ва шакллари тақомиллаштириш орқали таълим сифатини ҳамда меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, илм-фан ютуқларини ишлаб чиқаришга тўғридан-тўғри татбиқ қилиш мақсадида Бухоро нефт ва газ саноати коллежи маъмурияти ўзаро ҳамкорлик доирасида “Энергетика” вазирлиги, “Ўзбекнефтгаз” АЖ тизимидаги корхона ва ташкилотлар, шу жумладан “ENTER ENGINEERING PTE LTD” ООО ўртасида қатор йиллардан буён мустаҳкам алоқалар ўрнатилганлиги тўғрисида маълумот бериб ўтди. Профессional таълим жараёнини ишлаб чиқариш корхоналари билан чамбарчас боғлашда, ўқув, ишлаб чиқариш ҳамда диплом олди амалиётларини ташкил қилиш, битирувчилар бандлигини таъминлашда яқиндан ҳамкорлик олиб борилаётган беминнат ёрдамнингиз, Сизларнинг бевосита кўмагингиз билан ижобий ютуқларга эришиб келаётганлиги, коллеж маъмурияти ушбу ҳамкорликдан беҳад мамнунлиги тўғрисида тўхталиб, “ENTER ENGINEERING PTE LTD” ООО нинг асосий иш фаолияти Дизайн, Таъминот ва Қурилиш, нефт ва газ, турли даражадаги мураккабликдаги саноат ва фуқаролик объектларини лойиҳалаш, етказиб бериш, қуриш ва ишга тушириш бўйича

хизматларнинг тўлиқ спектрини тақдим этишдан иборат эканлиги, корхонанинг лойиҳа жамоаси юқори сифатли ва мураккаб муҳандислик ишларини бажариши, нефт, газ ва уларни қайта ишлаш маҳсулотларини ташиш объектлари (магистрал газ ва нефт қувурлари, маҳсулот қувурлари), нефт ва газни тайёрлаш ва қайта ишлаш объектлари (технологик объектлар), инфратузилмага эга саноат ва фуқаролик объектлари лойиҳалашда нафақат ИСО, ИЕС, АСМЕ, АПИ халқаро стандартлари, балки гуруҳ фаолият юритадиган маҳаллий стандартлар ҳам қўлланилаётганлиги тўғрисида тўлиқ маълумот берди.

**“ENTER ENGINEERING PTE LTD” OOO** 2012 йилда ташкил этилган бўлиб, минтақадаги энг йирик ва жадал ривожланаётган компаниялардан бири эканлигини, компаниянинг офислари 7 мамлакатда жойлашган бўлиб, жамоа 16 мамлакатдан 40 000 та юқори малакали мутахассислардан иборатлиги. **“ENTER ENGINEERING PTE LTD” OOO** парки энг машҳур жаҳон ишлаб чиқарувчиларининг замонавий қурилиш ускуналари, машиналари ва механизмларидан ташкил топганлиги, нефт ва газ соҳасида объектларни лойиҳалаш, етказиб бериш, қуриш ва ишга тушириш бўйича тўлиқ хизматларни тақдим этиши, корхонада саноат объектларини қуришда талаб қилинадиган кенг кўламли ишларни бажариш учун 5800 дан ортиқ қурилиш техникаси мавжудлиги, ҳамда йирик қурилиш лойиҳаларини амалга ошириш орқали Ўзбекистон энергетика ва кимё саноатида ўз мавқеини мустаҳкамлашда давом эттираётганлигини ҳам йиғилиш иштирокчиларига маълум қилди.

**Сўзга чиқди:** **“ENTER ENGINEERING PTE LTD” OOO** масъул ходими У.Вайсов йиғилиш кун тартибидаги масала юзасидан “Ўзбекнефтгаз” АЖ тасарруфидаги Бухоро нефть ва газ саноати коллежи республика нефт ва газ соҳасида ўрта – бўгин кадрларни тайёрлайдиган профессионал таълим муассасаси ҳисобланиб ишлаб чиқариш ва саноат корхоналарида ўрта – бўгин кадрларга эҳтиёж юқори эканлиги, бу борада Ўзбекистон республикаси Президентининг 2022 йил 7 июлдаги “Нефть ва газ соҳасида таълим-ишлаб чиқариш кластерини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 309-сонли қарори қабул қилинганлиги жуда ҳам қувонарли эканлигини таъкидлаб, коллежга ташрифимиз давомида ўқитиладиган йўналишлар, коллежнинг моддий-техник базаси, замонавий жихозланган ўқув-амалиёт хоналарининг мавжудлиги, ҳамда ўқувчиларнинг соҳага бўлган қизиқишларини кўриб, **“ENTER ENGINEERING PTE LTD” OOO** нинг ҳам коллеж билан алоқаларини янада мустаҳкамлаш зарурлиги тўғрисида тўхталди. Шулар билан бир қаторда коллеж ҳамда **“ENTER ENGINEERING PTE LTD” OOO** мутахассислари ўртасида келажакдаги истикболли режалари, кадрларни тайёрлаш ҳамда ишга жойлаштириш масалаларида фикр алмашилиб, **“ENTER ENGINEERING PTE LTD” OOO** мутахассислари томонидан компаниянинг истикболли режалари ҳақида тайёрланган презентацияси коллеж битирувчиларига тақдим қилиниб, битирувчилар билан очик суҳбатда уларни қизиқтирган барча саволларга жавоб берилди.

**Сўзга чиқди:** Пардаев О.Ш. ишлаб чиқариш таълими буйича директор ўринбосари, - “Бизнинг максадимиз малакали, профессионал таълимда ўрта бўғин мутахассисларини тайёрлаш бўлиб, ўқувчиларнинг шахсий компетенциясини ошириш, саноат корхоналарининг таълим муассасалари билан ўзаро интеграциясини таъминлаш, Ўзбекистон нефть ва газ соҳасини ривожлантириш учун. келажакда коллеж ўқувчиларининг малакавий амалиётини, махсус фан ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг стажировкасини компаниянинг объектларида ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлишини таъкидлаб, ўз таклифини берди.

Муҳокама этилган масала юзасидан билдирилган фикр-мулоҳазаларга асосланиб

### **Қарор қабул қилинди:**

1. Муҳокама этилган масалалар юзасидан кўриб чиқилган фикр ва мулоҳазалар маълумот учун қабул қилинсин.
2. “**ENTER ENGINEERING PTE LTD**” **ООО** билан коллеж ўртасида ҳамкорлик бўйича меморандум расмийлаштирилиб, имзолансин. (Масъул: О.Ш. Пардаев)
3. 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб коллеж ўқувчиларининг малакавий амалиёти ва махсус фан ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг стажировкасини компаниянинг объектларида ўтказилиши бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилсин. (Масъул: О.Ш. Пардаев, А.Р.Ҳафизов)

**Коллеж директори:**

**С. Усмонов**

**Баёнлаштирди:**

**Д. Ҳайитова**

